# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ДАВРИЙЛИК ХОССАСИ ВА ПАССИОНАРЛИК (Л.Н.ГУМИЛЁВ ХОТИРАСИГА ЭССЕ)

**Мирсодиқ Мирсултонович Исхаков**
ТДШУ профессори,
Тарих фанлари доктори.
https://doi.org/10.5281/zenodo.17708697

Тарихий жараёнларнинг даврийлиги эмпирик кузатув натижасида шаклланган тасаввур бўлса-да, бир қатор тарихий назарий қрашларнинг пайдо бўлишига хизмат қилган. Инсоният ибтидодан бошлаб ўзини англабдики, ўзи яшаган муҳитда айланиб қайтувчи ҳодисаларни кузатади: фасллар қайтади, қуёш чиқади ва ботади ой фазалари бўйлаб айланиб қайтади, юлдузлар туркумлари қутб юлдузи конуси атрофида айланади ва қайтиб такрорланади ва ҳоказо. Бу каби даврийликнинг изчил ва узлуксизлиги аввал одамзодни хайратга солган бўлса, кейинчалик замон, вақт тушунчаси даражасига кўтарилади. Маълум бўладики, барча даврий ҳодисалар вақт ичида рўй берар экан, ВАҚТнинг абсолютлиги олдида инсон тафаккури ожиз экан. Шундан бошлаб тарихнинг хотирага айланиши бошланади. Аммо хотира нисбий ва ўта аморф ҳодиса. Шунинг учун инсоният даврий ҳодисаларни илоҳийлаштиришга ҳраракат қилади. Масалан, юнонлар табиатнинг йиллик фасл алмашувини ўлиб тирилувчи маъбуд – Адонис билан изоҳлаб, ўзлари бунга ишонганлар. Худди шу каби Мисрликлар Осирис ҳақида, Турону Эронликлар Сиёвуш образи ҳақида шундай ўйлаганлар.

Тарихий жараённинг даврийлиги масаласини антик давр юнон олимларида учрайдиган талқинлари янада чуқур фасафий тус олади. Масалан Гераклит даврийликни Ердан бошланувчи, Сувга ўтувчи, ҳаво ҳолати ва олов босқичида якунланувчи жараён деб ҳисоблаган. Оловдан Ергача ортга қайтувчи жараённин "қуйига йўл" деб атади. Бошланғич ва якуний босқичларнинг мусбат (плюс) ва манфий (минус) хоссалари даврий айланишни таъминлайди, деб ҳисолаган. Эмпедокл ҳам мазкур тўрт унсурни тан олган. Яъни ер, сув, ҳаво, оловнинг кетма-кет алмашуви ҳар бирининг устунлик босқичида максимал даражада ўз хоссасини кўрсатади. Ушбу галма-гал устуворлик такрорланувчи даврийлик тизимини ташкил этади.

Мазкур қарашларнинг ривожланиши давомида янги назарий қарашлар ҳам юзага келган: тақвимлар (календарлар) пайдо бўлган. Йигирма йиллик, олтмиш йиллик цикллар, ниҳоят юзйиллик (аср) тушунчалари юзага келган.

Биз юқорида тарихий даврийликнинг замон (вақт) ичидаги ҳисоблари ҳақида тўхтадик. Бу каби ёндашув мазмунида инсониятнинг ижтимоий тарихи ётгани алоҳида қайд эилиши лозим. Чунки, инсоният учун хар қандай тарих ибрат манбаидир.

Масаланинг бошқа томони инсоният жамияти тараққиёти билан боғлиқ. Инсон биологик жонзот бўлиш билан баробар, ижтимоийликка мухтож. Унинг ижтимоий моҳияти ёлғиз яшай олмаслигида акс этади. Муқаддас манбаларда инсоннинг ижтимоийлиги қайд этилган. Масалан, Қуръони каримда Аллоҳ инсонни ўзига ўхшашлар билан бирга қилгани хабар қилинган. Бу дегани Ер юзасини қоплаган инсоният жамоалари ўзи яшаган биосфера шароитларидан келиб чиқувчи хоссаларга эга бўладилар. Тил, урф-одатлар, ментал хусусиятлар уйғунлиги орқали жамиятга айланадилар. Жамиятнинг эса қуйи шаклларидан юқори, уюшган шакллари томон ривожланиш хусусияти бор. Бу жараён умумий хухсусиятлар бирлигига таянган уруғ-аймоқ, қабила сингари ижтимоий бирликларни пайдо қилади. Бир сўз билан айтганда бу мураккаб этник жараёнларга томон ривожланиш демакдир. Ўз навбатида этник жараёнлар ҳам маълум даврийлик қонунига бўйсинади. Бронза даври Турон минтақасида примитив уруғчиликдан патриархал оилага (дману), қишлоқ уюшмасига (вис),

висдан зантуга, ниҳоят, даҳюга (территориал қабилалар уюшмаси)га қараб ривожланган бўлса, демак бу жиддий пассионар этногенетик портлашга олиб келган. Аммо, ушбу босқич якуни сифатида қайси этник бирлик юзага келган, деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Чунки ўша узоқ ўтмишнинг моддий ёвгорликларидан бошқа манбаси йўқ. Моддий ёдгорликлар эса, Турон минтақасида бронза даврини прототангричилик ва прото-зардуштийлик билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чунки ҳар икии диний дунёқарашнинг марказида минтақа халқларининг ўзаро ҳаётий бир-бирини тақозо қилиш қонунияти мавжуд эди. Демак, бронза даврининг этник тарихида пассионар вазият ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожи билан боғлиқ юзага келган. Водий ҳамда воҳаларда суғорма деҳқончилик етакчи рол ўйнаган. Илк шаҳарсозлик элементлари пайдо бўлган. Ҳунармандчилик мустақил хўжалик тармоғи сифатида ажралиб чиққан. Товар айрибошлаш пайдо бўлган. Чорвадор чўл хўжалиги ва ўтроқ деҳқончилик ўртасида иқтисодий боғлиқ тизим шаклланган. Бундай жамиятни маънавий бирлаштирувчи дин омили алоҳида рол ўйнай бошлаган. Тангричилик билан зардуштийлик динлари ижтимоий бириктирувчи кучга айланган. Ушбу бифас шароитда икки субэтнос етакчи рол ўйнаган. Буларнинг бири умумий тил бирлиги асосидаги прототуркий қавмлар, иккинчиси орийлар миграцияси давомида Турон ўлкасида шаклланган эронийзабон субэтнос эди. Ҳар икки субэтнос бронза даври охирларидан бошлаб ўзларида пассионар энергияни юзага келтирдилар. Евросиёнинг марказий минтақаси Туронда **улар Турону Эрон тангричилик ҳамда Авеста зардуштийлик суперэтноси** пойдеворини яратдилар. Шу сабабли Турон туркий халқлари маънавий қарашларида, урф-одатларида тангричилик ва зардуштийлик элементлари қоришиб кетган. Чунки ҳар икки диннинг теологик марказида худонинг бирлиги ва самовийлиги ғояси бор эди.

Евросиё туркий халқларининг кейинги асрлардаги этник жараёнлари мураккаб босқичлардан ўтиб келган. Бу жараён ҳақида фикр юритиш учун аввало, Туроннинг регионал тарихида орийлар миграцион жараёнларидан аввалги етакчи тубжой аҳолининг прототуркий томирлари ҳақидаги илмий фаразни ўртага қўйиш вақти келди. Бу гипотеза логик жиҳатдан қуйидаги асосга эга: чорвадор орийлар миграцияси милоддан.аввалги XV асрдан бошлаб, Турон орқали Эрон платосига ҳамда Ҳиндистоннинг шимоли ғарбига тарқалган. Орийлар қисман Туронда ҳам ўтроқлашиб, туронликлар билан ёнма-ён яшай бошлаганлар.

Ўтган уч минг йил давомида Турон халқлари мураккаб этник жараёнларни бошдан кечирди. Л.Н.Гумилёвнинг этногенез назариясига кўра бу давр бир неча пассионар босқичларни ташкил этган. Шундай қилиб, минтақада бир қатор этнослар тарихан йўқолган. Шарқ-Ғарб миграцион жараёнлари Жанубий Сибир, Олтой, Шарқий Туркистон ҳудудларидан бир қатор қадимги муғулий ва туркий қабилаларнинг Туронда пайдо бўлиши ва этник жараёнларга таъсир этишига олиб келди. Туркий халқларнинг маҳаллий Ўрта-Осиё-Фарғона прототуркий қатлами европеоид қиёфаси орасида мил.авв. III-II асрлардан бошлаб монголоид ирқига хос белгилар пайдо бўлди. Аммо бу ўзгаришлар туб этногенетик ўзгаришларга олиб келмади. Суғдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар қадимги генетик линиясини нисбатан сақлади. Муғулийлик миқдорий жиҳатдан кўпроқ ўтроқ аҳоли зонасида маргинал ҳолда тарқалди.

Кушанлар империяси давридаги буддавийликнинг кириб келиши, этно-маданий жараёнларда муайян из қолдирди. Бироқ ҳал қилувчи супер этник даражаларини бермади. Чунки буддавийлик монастирчилик, тор жамоачилик ҳинаяна ақидаси билан этноснинг ментал қатламига чуқур кирмади. Махаяна ақидаси нисбатан кенг тарқалди ва унинг раҳму шафқат, хайр-эҳсончилик анъанаси маълум маънода маҳаллий анъаналарга таъсир қилди.

Кейинчалик буддавийликдаги инсон руҳини тарбиялашдаги олий мақсад исломда сўфийлик ғояларининг шаклланишига таъсир кўрсатди

Илк ўрта асрлрда Турк хоқонлиги ташкил топиши ва унинг Туронда мавжуд давлат уюшмалари устидан ҳукмронлиги Шарқий минтақалардан турли туркий қавмларнинг Хоқонликда ички миграциясига йўл очиб берди. Бу миграция Туронда ва Буюк Ипак йўли тармоқларида этник жараёнларга жиддий таъсир кўрсатди.

Ислом даври бошларида Турон халқларининг исломлашуви, Қорахонли ҳукмдорларннг исломни қабул қилиши каби фактлар этник жараёнларнинг янги суперэтник пассионарлик тўлқинига олиб келди. Энди бу туркий ва эроний Турон халқларининг ислом дини орқали менталашувига, маданий тарихий ислом даври суперэтник статусига ўтиш оралиғи эди. Бунда туркий ва эроний тиллар ҳар хиллиги умуман жиддий рол ўйнамади. Исломий цивилизацион жараён муҳим йўналишга кирди. Турон минтақасида бу жараён исломдан аввалги цивилизацион инерциянинг натижаси эди. Бу инерция ислом динининг ҳаётнинг барча жабҳаларига жавоб берувчи мукаммаллиги туфайли янги тарихий-исломий маданий пассионар кучга айланди. Бироқ бу аввалги Турон-Эрон тангричилик ва Авеста зардуштийлик суперэтник босқичдан кўплаб реликтларнинг сақланишига тўсиқ бўлмади, балки ўзига хос симбиозга айланди. Мазкур реликтлар Турон халқларининг турмуш маданиятида хануз яшамоқда. Бинобарин, Турон суперэтник жараёнларининг ўзига хослиги ҳам шунда.

Мўғул-татар босқини даври қўшин таркибидага туркий этник қатламнинг катталиги ҳамда қўшин ортидан Туронга Шарқдан кириб келган туркий аҳоли ҳисобига минтақадаги этник вазиятда сезиларли ўзгариш кузатилди. Чиғатой ва Жўжи улусларида туркий қипчоқ тармоғининг салмоғи ортиб борди. Ўғиз тармоғи қипчоқ тармоғининг ялпи майдони жанубий чекаси орқали Ғарб томон йўлак ҳосил қилиш билан баробар Ўғиз хонлигига асос солди. Бу ҳаракат Салжуқ давлати ва туркларнинг Анадолу орқали Ғарбга интилиши кўринишини олди.

Темурийлар салтанати иккинчи мусулмон ренессанси даври давлат сиёсатининг бирлаштирувчи толерант хусусияти сабали этник муносабатларнинг ўзига хос босқичини юзага келтирди. Шахсан Амир Темур учун миллатидан қатъий назар унинг наздида инсонинг қадри унинг халоллиги, садоқати, фидойилик кабилар билан ўлчанган. Унинг "Тузуклар"ида бу муносабат яққол ифода этилган.

Шайбоний Абулхайрхон бошлиқ Дашти қипчоқ ўзбек давлати туркий халқларнинг улкан сиёсий бирлаштирувчи факторига айланди. Давлат атрофида туркий ва туркийлашган ҳамда исломлашган муғулий қавмлар бирлашди. Шунингдек бу давлат бағридаги қипчоқ қатлами доирасида қозоқ халқининг илк мустақил этнослашуви поёнига етди. Айни шу қозоқликд Абулхайрхон сиёсатидан норозиликни сабаб қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Аксинча, хонликнинг кучли давлат статуси унинг таркибига кирган халқларнинг этник ўзлигини аниқлашга ва уларни бу статус учун курашга жалб этган эди. Бунинг натижасида мазкур қозоқ этносининг пойдевори қурилган эди.

XVII-XVIII асрларда рўй берган жунғор(қалмоқ) босқини қозоқ ва ўзбек халқи бошига улкан кулфат келтирди. Қарийб 130 йил давом этган ушбу вахшиёна геноцид натижасида қозоқ халқи қирилиб кетиш даражасига борди. Бу оғир давр қозоқ тарихида "ақтабан шибринди" даври деб аталади. Қозоқларнинг ўзбеклар орасидан ўрин топиб жон сақлаб қолганлари Ўзбекистонда қозоқ диаспорасининг бошланғич тўлқини эди.

Қозоқларни жунғор-қалмоқ дахшатидан қутқариш миссияси улуғ Тўлебий зиммасига тушиб, 1758 йилда қозоқ чўллари душмандан тозаланди. Қозоқ халқи хотирасида чўллардаги "Қалмоқ қирилган" деган жой отлари қолди.

Темурийлар салтанати тугаши ва Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши Турон минтақаси этник манзарасинда дашти қипчоқдан кирган қипчоқ антропологик типининг яшаш муҳитини кенгайтирди. Хўжалигида чорва етакчи ўрин тутгани сабабли бу этник қатлам очиқ ва кенг яйловбоп воҳаларда жойлашди. Айни шу ўзига хос ҳудудий тақсимот оқибатида Дашти қипчоқдан келган аҳоли орасида уруғчилик анъаналари реликт ҳолида ҳануз сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда Турон минтақаси ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман давлталарининг ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлиги долзарб масала бўлиб турибди. Рақобат эмас, ҳамкорлик, стратегик шериклик муносабатлари Марказий Осиё суперэтниклиги ғоясининг ҳаётий асосига айланмоғи муҳимдир. Ўзаро тушунарли даражадаги тиллар яқинлиги, тожик-ўзбек икки тиллилиги, миллий анъаналар ҳамда исломий менталитет умумийлиги асосида янги пассионар суперэтник тўлқин зарурияти яққол кўриниб турган шароитда Турон-Туркистон минтақаси давлатлари сиёсатидаги умумий манфаатлар устиворлиги алоҳида муҳим омилдир. Бу суперэтник жараён тарихий-маданий хусусиятлари, урф-одатлари, анъанавий ментал табиати, айниқса ўзбек халқи билан ёнма-ён суғду турк комплиментар симбиози замонларидан бошлаб минг йиллар давомида Турон тупроғида униб-ўсиб келган тожик халқини ҳам қамраб олиши минтақа бирлиги учун ўта муҳимдир.